

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАМИЛОВА НОДИРА ГАЙРАТОВНА

**ХУЛҚИ ОҒИШГАН БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ
РЕСОЦИАЛИЗАЦИЯСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора
психологических наук (DSc)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor (DSc)
of Psychological Sciences**

Камилова Надира Гайратовна

Хулқи оғишган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчилари ресоциализациясининг психологик хусусиятлари..... 3

Камилова Надира Гайратовна

Психологические особенности ресоциализации воспитанников специализированных образовательных учреждений для детей с девиантным поведением..... 34

Kamilova Nadira Gayratovna

Psychological features of resocialization of pupils of specialized educational institutions for children with deviant behavior..... 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 70

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАМИЛОВА НОДИРА ГАЙРАТОВНА

**ХУЛҚИ ОҒИШГАН БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ
РЕСОЦИАЛИЗАЦИЯСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/ Psi12 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Сафасв Нуритдин Салихович
психология фанлари доктори, профессор

Абдурасулов Рустам Абдураимович
психология фанлари доктори, доцент
Ахмедова Сорахон Толибжановна
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "4" декабр соат 9 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 27-уй, Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 27-уй, Тел.: (+99871) 276-82-32.

Диссертация автореферати 2020 йил "20" ноябр жуми тарқатилди.
(2020 йил "20" декабр даги _____ - рақамли реестр баённомаси).


Ғ. Б. Шоумаров
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психол. ф.д., профессор
Х. А. Қадирова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психол. ф.д., доцент
В. М. Каримова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол. ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг турли мамлакатларида у ёки бу жиноятни содир этиб, жиноятчилик йўлига кириб қолган, бу йўлдан қандай чиқишни билмай, адашиб, жамиятда ўз ўрнини тополмай юрган болалар кўпчиликини ташкил этади. БМТ UNICEF болалар жамғармасининг статистик маълумотларига мувофиқ, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ўсиш тенденциясига эга. 2019 йилда аниқланган вояга етмаган ҳуқуқбузарлар сони 1990 йилга нисбатан деярли 30 % га ошган. Ҳар йили ўсмирлар томонидан 300 мингдан ортиқ, жумладан, жиний жавобгарлик ёшига етмаганлар томонидан 100 мингга яқин жиний ҳаракатлар содир этилади. Бундан ташқари, бир миллиондан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд қилинади, ҳар йили “вояга етмаганларни полицияга олиб келиш” ўртача 12-15% га ортмоқда. Дунёда 30% гача ижтимоий жиҳатдан хавфли ҳаракатлар 14 ёшдан кичиклар томонидан содир этилади. 5 йил ичида қидирувда бўлган вояга етмаганлар сони 25% га ошган¹. Шундай экан, Хулқи оғишган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчилари ресоциализациясининг психологик хусусиятларини комплекс ўрганиш жиддий аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида олимлар томонидан олиб борилган ресоциализация бўйича тадқиқотларнинг аксарияти хулқ-атвор бузилишларини таҳлил қилиш ва ресоциализация технологияларидан фойдаланган ҳолда оила, таълим муассасаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, вояга етмаганлар учун одил судлов тузилмаси билан боғлиқ, чунки ҳар бир вояга етмаган ҳуқуқбузарга нисбатан индивидуал ёндашув сиёсати уларни реабилитация қилиш учун институционал муассасаларни яратишни назарда тутмайди, реадaptация жараёни яқка тартибда амалга оширилишини кўзда тутиб, шахсга йуналтирилган ёндашув сифатида оғишган ҳулқини келтириб чиқарувчи омилларни коррекциялаш ва просоциал хулқ моделларини шакллантиришга бағишланган тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарлик статистикаси жиний қонунбузарликнинг пасайиш динамикасини кўрсатади. Шу билан бирга, вояга етмаганларнинг жиний ҳаракатлари таркибида мулкчиликка қарши (ўғрилик, фирибгарлик, талончилик, йўлтўсарлик, транспорт воситасини олиб қочиш, мулкни қасддан йўқ қилиш ва зарар етказиш) рецидив жиноятлар (85% гача) устун бўлиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан ишлашда фойдаланилаётган технологияларнинг мукамал эмаслигидан далолат беради. Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликка қарши кураш муаммолари ҳар доим жуда долзарб бўлиб келган. Шундай экан, вояга етмаган Хулқи оғишган болалар ресоциализациясининг психологик хусусиятларини илмий тадқиқ этиш жиддий аҳамият касб этади. Бу борада вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг мослашмаганлик даражасини аниқлаш ва тарбияланувчиларнинг ресоциализацияси ва мослашувининг индивидуал

¹ Материалы Всероссийской научно-практической конференции. // По проблеме профилактики правонарушений.- М.: ВНИИ МВД России, 2019.

технологиялари, шунингдек, ёшларнинг ички психологик манбаларига таяниб, уларда ахлоқ бузилишларини психологик профилактика қилишни ишлаб чиқиш имконини берувчи (когнитив, шахсий-эмоционал, ахлоқий) мезонлар тизимини ислоҳ қилиш ва ресоциализациянинг концептуал моделини яратишга йўналтирилган илмий изланишларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда қонунбузарликни профилактика қилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар давомида самарадор меъёрий-ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, қабул қилинган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сонли Қонуни² (2010), Вазирлар Маҳкамасининг 113-сон қарори “Фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигига қарши жиноятларни профилактика қилиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (1999) ва бошқа кўплаб ҳужжатларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ҳужжатларда келтирилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун аҳоли ва, хусусан, ёшлар орасида диссоциализацияни келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик омиллар ва ҳуқуқбузарлик интервенциясини тизимли ўрганиш зарур. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги (2016) 406-сонли Қонуни³, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Психология соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва ҳуқуқбузарликни профилактика қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴:

² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида. ЎРҚ-263-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Психология соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва ҳуқуқбузарликни профилактика қилиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2019 йил 472-сонли қарори.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги материаллар асосида амалга оширилди: Международной академии психологических наук (МАПН) (<http://rusacademedu.ru>), Российского федерального ресурсного центра (<http://www.mapn.su/>), Stanford University (<URL:https://www.stanford.edu>), Британского University of Manchester (<https://manchester.ac.uk>), Германского Bergische Universität (www.uni-wuppertal.de), Австралийский University of Melbourne (<URL:https://www.unimelb.edu.au>), Италиянского Trentoof universities (<URL:https://www.unitn.it>), Московский государственный института педагогики и психологии (<URL:https://www.mgppu.ru>). Проведен анализ публикаций по психологии девиантного поведения среди несовершеннолетних в ведущих реферативных базах периодических изданий, в том числе: Портал психологических изданий ([URL: http://psyjournals.ru](URL:http://psyjournals.ru)), Америка Психологик Ассоцияцияси PsycINFO Психология маълумотлар базаси ([URL: https://www.apa.org/pubs/databases/psycinfo/index.aspx](URL:https://www.apa.org/pubs/databases/psycinfo/index.aspx)), Тиббиёт миллий кутубхонаси, Матнлар базаси (<URL:>

Хулқи оғишган вояга етмаганларни ресоциализациялаш ва жамиятга интеграциялашга оид замонавий тадқиқотлар вояга етмаганлар учун марказлар каби Калифорния университети (АҚШ), Стэнфорд университети (АҚШ), Манчестер университети (Буюк Британия), Вупперталь университети (Германия), Мелбурн университети (Австралия) ва Торенто университети (Италия), Москва бош Психология-педагогика университети (Россия) ва Санкт-Петербург давлат университети (Россия) каби дунёдаги етакчи олий таълим муассасалари ходимлари томонидан амалга оширилган.

Хорижий олимлар томонидан амалга оширилган ресоциализацияга оид кўплаб тадқиқотлар оила-таълим муассасалари ва ювенал юстиция тузилмасига тааллуқли ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамкорлигида фойдаланиладиган тикловчи технологиялар ва ахлоқий бузилишлар таҳлиliga асосланади, чунки ҳар бир асоциал ўсмирга яқка тартибдаги ёндашувга оид амалдаги сиёсат уларнинг реадaptацияси учун институционал муассасалар яратиш (Bethany R. Lee Chad Ebisutani Duxung Bruce F), вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигини профилактика қилиш концепцияси (University of Manchester), психопрофилактик ишлар модели ва тузилмаси (University of Melbourne), вояга етмаганлар билан огоҳлантирувчи фаолиятда ижтимоий-психологик ишлар моделини ишлаб чиқишни (МБППУ) назарда тутди.

Хорижлик олимлар томонидан олиб борилган ресоциализация бўйича тадқиқотларнинг аксарияти хулқ-атвор бузилишлари ҳамда оила-таълим муассасаси ва ювенал юстиция тузилмасига тааллуқли ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида тикловчи технологиялардан фойдаланишни таҳлил қилишга асосланади, чунки ҳар бир асоциал (ғайриижтимоий) хулқли ўсмирга нисбатан индивидуал ёндашув сиёсати уларни реабилитация қилиш учун институционал муассасаларни ((Betani R. Li Chad Ebisutani Dyuxung Bryus F), вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш концепцияси (Manchester universiteti), психопрофилактика ишининг модели (Melburn universiteti), вояга етмаганлар билан профилактика тадбирларининг ижтимоий-психологик иш моделини (MSUPE) яратишни назарда тутди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шахснинг аномал ривожланиши, ижтимоий меъёрлар ва девиант ахлоқни ўрганишнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқишга Ватанимиз каби хорижий давлатларнинг кўплаб тадқиқотчилари: R.Blackburn⁵, W.Bonta, Andrews R. ва Hoge T., P.Heaven⁶, Б.С.Братусь, Э.Дюркгейм, Ю.А.Клейберг, В.И.Коган, В.Н.Кудрявцев, А.Е.Личко, В.С.Битенский, Т.Парсонс, А.А.Реан, В.А.Худик⁷, Б. М Умаров ва бошқалар ҳисса қўшган.

Ижтимоийлашув ва реабилитация ўртасидаги алоқа Е.В.Жулина, В.А.Кудрявцев, О.В.Трошина ишларида тадқиқ этилган. Ўсмирлар мослашувининг умумий муаммолари фонида Хулқи оғишган ўсмирларнинг касбий фаолиятга мослашуви муаммоси С.А.Беличева, И.Б.Громова, И.С.Кон,

⁵Blackburn R. The Psychology of criminal conduct. New York: John Wiley & sons Ltd., 2002

⁶Bonta W, Andrews R. &Hoge T. The Psychology Antisocial Behavior // Criminal justice and behavior. 1990. Vol 17. P. 19–52.

⁷Кудрявцев В.Н. Генезис преступления: Опыт криминологического моделирования. - М.: 1998 , 1998;Реан А.А. Характерологические особенности подростков-делинквентов // Вопросы психологии. 1991. № х. С. Ч-ч; Братусь Б.С Аномалии личности.-М.: «Мысль». 1988.-с.; Личко А.Е. Битенский В.С. Подростковая наркология. -М.: Медицина. 1991.- 304.

Ю.А.Клейберг, И.С.Полонский, И.Ю.Сундиев, Д.И.Фельдштейн⁸ ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Адабиётлар таҳлили (А.Л.Висотина, В.Г.Деева, В.Д.Лутанский, Д.Сочивко; А.В.Пищелко, С.В.Познышев, А.Т.Потемкина, И.В.Шмаров ва бошқалар⁹) жиноят содир этган шахсларга уларнинг қамокда мослашуви ва ресоциализацияси механизмларини ўрганиш орқали тузалишларида ёрдам бериш мумкинлигидан далолат беради. Ёпиқ таълим муассасалари тарбияланувчиларини мослаштириш муаммоси, айниқса, унинг психологик-педагогик жиҳатлари (тарбиячи шахсининг таъсири, ресоциализация механизмлари) бўйича умумлаштирилган назарий таҳлил хали мавжуд эмас.

Сўнгги йилларда олиб борилган изланишларда бир неча йўналиш кузатилади:

вояга етмаганлар хулқидаги оғишларнинг ижтимоий-психологик сабабларини ўрганиш (А.И.Долгова, А.Л.Гройсман, Э.Г.Кондрашенко, Г.П.Костяшкин, И.А.Медведев, А.И.Невский, Ю.А.Клейберг, ва бошқалар);

девиант ахлоқнинг психологик ўзига хослигини аниқлаш (С.А.Алексеев, М.А.Алемаскин, С.А.Бадмаев, С.А.Беличева, А.Г.Ковалев, Л.С. Славина, Д.И.Фелдштейн, А.Я. Варламова, Л.И. Божович, Г.К.Туляганова, Б.Умаров, З.Ф.Камалетдинова, Э.Кулжонов¹⁰ ва бошқалар);

муаммонинг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш (Б.Н.Алмазов, А.И.Долгова, В.Д.Ермаков, Г.М.Миньковский, В.Н. Бурлаков, Кропачев, Т.Умаров¹¹, ва бошқалар);

вояга етмаганлар ахлоқидаги оғишганларни диагностика қилиш масалаларини ишлаб чиқиш (А.С.Белкин, В.М.Обухов, В.Г.Степанов, Н.Мак-Вильямс, Т.Корнилова, Е. Григоренко, С. Смирнов¹² ва бошқалар);

ўқувчиларда девиант ахлоқнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўллари ва усулларини излаш (К.Ш.Ахияров, Л.П.Гирфанова, В.Н.Гуров, С.А.Беличева, И.А.Невский, А.И.Островский, О.А.Свиридов, И.Ф.Дементьева, Ронгинская Т.И, Варламова А.Я., Нечаева А.Ю., Шадуро А.Ф., Юричка Ю.И.¹³ ва бошқалар).

⁸; Кернберг О.Ф. Агрессия при расстройствах личности и пerversиях. - М.: xxx, 1998. - с.; Беличева С.А. Основы превентивной психологии. -М.: Социальное здоровье России, 1994. - 221с.; Кон И. С., Битанина В.С. Подростковая наркология. - М. : Медицина. 1991. - 304с.

⁹ Сочивко Д., Пищелко А.В.. Реадаптация и ресоциализация. - М.: ПЕР СЭ, 2003. - 208 с.; Познышев С.В. Криминальная Психология. Преступные типы. -М: ПЕР СЭ. 2010. - 195с.

¹⁰ Камалетдинова З.Ф. Психологические особенности мотивационно-смысловой сферы старшеклассников с отклоняющимся поведением // Дисс.канд.психол.наук Т.1993. 148с; Тулаганова Г.К. Интересы "трудных" подростков как отражение их мотивационно-потребностной сферы. Автореф.дисс.канд.психол.наук. Т. 1994. 24с.; Э.Кулжонов. Психологические особенности осужденных подростков и проблемы коррекции их поведения. . Псих.ф.н..дисс.автореф.. Т.-1994., 21с

¹¹ Коробейников Б.В., Кузнецова Н.Ф., Миньковский Г.М. Криминология.; Бурлаков В.Н., Кропачев Н.М. (ред.) Криминология. Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. — СПб.: Питер, 2013. — 304 с.

¹² Корнилова Т., Григоренко Е., Смирнов С. . Подростки групп риска. — СПб.: Питер, 2005. — 336 с.; Степанов А.Г. Психология трудных школьников Академический проект, 2006; Фельдштейн Д.И. Психологические основы общественно-полезной деятельности. -М.: Педагогика.1992, - 224 с.; Мак-Вильямс Н. Психоаналитическая диагностика. — М.: Пресс, 1998. - 384с

¹³Беличева С.А. Основы превентивной психологии. М., Редакц.-изд. центр консорциума "Соц. здоровье России", 1994. -221с.; Кулаков С.А. Особенности формирования аддиктивного поведения подростков и психокоррекционная работа с ними. Авт. канд. дисс, Л., 1989. С.22; Нечаева А.Ю. Принципы психолого-педагогической помощи при нарушениях поведения у детей и подростков; Ронгинская Т.И. Феномен сопротивления адаптирующим воздействиям. Авт. докт. дисс, СПб., 1995; Дементьева И. Ф. - Дети-сироты: социальная защита, возможности адаптации [Текст] // Россия - трансформирующееся общество /М.: КАНОН-пресс-Ц, 2001. - С. 389-397; Дети социального риска и их воспитание. Учебно-методическое пособие [Текст] / Под науч. ред. Л. М. Шипицыной. - СПб.: Речь, 2003; Варламова А. Я. Система деятельности педагогического коллектива по профилактике дезадаптации и организации процесса реадaptации подростков: Дис. ... канд. пед. наук: - Волгоград, 2000. — 218 с. Ю.И. Юричка. Девиантология: агрессия, конфликты, наркомания, правонарушения: Монография /, А.Ю. Юричка; М-во образования Рос. Федерации. Моск. гос. открытый пед. ун-и им. М.А. Шолохова. Фил. в г. Уфе, Бир. гос. пед. ин-т. - М. :

А.Парк, Д.Доллард, А.Бандура, Р.Бэрон, Д.Ричардсон, Р.Дилтс, К.Лоренц, Ж. Мид, К. Рожерс, В.Франкл, А. Маслоу, Т.Парсонс¹⁴ каби хорижлик олимлар девиант ахлоқнинг турли-туман кўринишларини профилактика қилиш ва бартараф этиш муаммолари билан шуғулланган.

Педагогик, психологик, юридик ва социологик адабиётлар тахлили мазкур муаммо бўйича вояга етмаган ҳуқуқбузар реадатация ва ресоциализация босқич, даража ва механизмлари ўрганилмаган. Вояга етмаганларни ресоциализациялаш технологияларини ишлаб чиқишда амалиётчиларнинг (ўқитувчилар, тарбиячилар, ижтимоий педагоглар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари) ва умуман жамият эҳтиёжлари ва уларнинг психология фани назарияси ҳамда амалиётидаги ўрни етарлича ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ равишда №А-03-088 “Пенитенциар муассасалар тарбияланувчиларининг жамиятга ижтимоий мослашуви ва интеграцияси муаммоларини” (2006-2008 йй.) ҳамда №ПЗ-20170928676 “Ўзбекистонда уюлмаган ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: хулқи оғишган болалар учун ихтисослаштирилган муассасалар тарбияланувчиларини ресоциализациялаш жараёнини феномен сифатида тадқиқ этиш ва психологик-педагогик моделини такомиллаштиришдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчилари ресоциализациясининг ижтимоий-психологик детерминациясини ўрганишнинг экспериментал моделини ишлаб чиқиш;

ўсмирлик ва ўспиринлик ёшида десоциализациянинг когнитив, эмоционал ва ахлоқий даражаларини эмпирик ўрганиш;

ресоциализациянинг аҳамиятли детерминанти сифатида кадриятли-мазмунли ва эмоционал-шахсий хусусиятларнинг психологик ўзига хослигини ажратиш ва асослаш;

вояга етмаганлар учун таъсис этилган ресоциализациянинг ижтимоий-психологик механизмлари (тарбияланувчиларнинг ижтимоий-психологик мослашуви, кадриятли-мазмуний, эмоционал интеллекти, "Мен-концепцияси", назорат локуси ва фрустрацион толерантлик хусусиятларига боғлиқ равишда

Мос. гос. открыт. пед. ун-т. Фил. в г. Уфе, 2001. - 164 с.; Нечаева А.Ю. Принципы психолого-педагогической помощи при нарушениях поведения у детей и подростков.. Автореф.канд.дисс. 1991. С.18

14. Бандура А. Теория социального научения. Директ медиа. 2008, -532с.; Франкл В. Человек в поисках смысла. -М.: Прогресс. 1990. - 368 с.; Rojers К. L'approche centrée sur la personne ; Бэрон Р., Ричардсон Д. Агрессия. СПб.: Питер, 1997, С.200.

ресоциализация жараёнининг даражаларини (когнитив, эмоционал ва ахлоқий) компонентларидаги фарқларни аниқлаш;

шахсга йўналтирилган, когнитив-шакллантирувчи ва ижтимоий-ривожлантирувчи таъсирга асосланган ресоциализациянинг парадигмал моделини ишлаб чиқиш, уни синовдан ўтказиш ва коррекцион дастур имкониятларини асослаш;

назарий-методологик таҳлил ва олинган эмпирик маълумотлар асосида тарбияланувчиларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви ва интеграцияси бўйича педагогик-психологик хулоса ва умумий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги Хулқи оғишган болалар учун ихтисослаштирилган муассасалар тарбияланувчилари (14-18 ёш) ташкил этади. Тадқиқот Қўқон шаҳридаги махсус енгил саноат коллежи ҳамда Бахт шаҳридаги ўғил болалар учун ихтисослаштирилган махсус коллежда ўтказилди.

Тадқиқотнинг предмети ихтисослаштирилган муассасалар тарбияланувчиларининг мослашуви ва ресоциализацияси босқичлари, даража ва механизмлари, тарбияланувчиларда мослашиш механизмларини шакллантириш жараёнидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш каби усулл қўлланди, бунда тарбияланувчиларнинг ижтимоий мослашув жараёни кузатилиб, тўпланган маълумотлар махсус кундаликка қайд қилиб борилди. Бундан ташқари, К.Роджерс ва Р.Даймонднинг «Ижтимоий-психологик мослашув сўровномаси», А.М.Прихожаннинг «Ижтимоий компетентлилик шкаласи», А.Н.Орелнинг «Девиант ахлоққа мойилликни ташҳис қилиш методикаси» ва педагоглар учун сўровномаси; Ш.Шварцнинг «Қадриятли ориентацияни аниқлаш методикаси»; Д.А.Леонтьевнинг «Ҳаётий мазмунга йўналганлик тести»; Н.Холлнинг «Эмоционал интеллектни тадқиқ этиш методикаси», Т.Лири-Л.Собчикнинг «Шахслараро муносабатларни интерперсонал ташҳислаш методикасининг модификация қилинган варианты»; Дж.Роттернинг «Субъектив назорат даражасини тадқиқ этиш методикаси» ва Розенцвейгнинг «Фрустрацион толерантликни» ўрганиш методикаларидан фойдаланилди. Шунингдек, педагогик-психологик тажриба-синов (тарбияланувчиларнинг ижтимоий мослашувини диагностикалаш, коррекциялаш ва назорат тажрибалари орқали ресоциализация коррекцион дастурининг самарадорлигини аниқлаш) қўлланди. Математик статистика методлари (К.Пирсоннинг r-корреляция коэффиценти, Стъудентнинг t-мезони)дан тадқиқотда олинган эмпирик материалларни қайта ишлаш ва уларнинг статистик аҳамиятлилик даражасини аниқлаш учун фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

махсус муассасалар тарбияланувчиларини ресоциализациялашнинг дастлабки босқичида ижтимоий мослашув ва ижтимоий компетентликнинг (когнитив, эмоционал, ахлоқий) ривожланмаганлиги уларнинг девиант хулқ-атвори ва ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келувчи сабаб экани асосланган;

вояга етмаганлар хулқининг оғишганлик даражасига баҳо бериш ва қайта мослашувнинг индивидуал тиклаш технологиясини танлаш, хулқий бузилишларнинг психологик профилактикасини ишлаб чиқиш имконини берувчи мезонлар (когнитив, шахсий-эмоционал, ахлоқий) асослаб берилган;

хулқи оғишган ўсмир ва ўспиринларнинг дисоциализациясининг (қадриятли-мазмунли, шахсий-эмоционал ва ахлоқий) омиллари шахс мослашув механизмларини шакллантириш ва ресоциализациясининг асосини ташкил этиши исботланган;

вояга етмаганлар ресоциализациялаш дастури самарадорлигининг асоси сифатида экзистенциал гуманистик стратегияга асосланган парадигмал ёндашувни амалиётга татбиқ этиш зарурлиги асослаб берилган;

феномен сифатида ресоциализация жараёни ва унинг таркибий элементлари (босқич ва механизмлари) “хуқуқбузарликлар профилактикаси”нинг асоси эканлиги асосланган;

ресоциализациянинг ҳар бир босқичида тарбияланувчилар мослашувида сифат ўзгаришлар механизмлари (хаётий-мазмуний ориентация, қадриятли ориентациялар, эмоционал интеллект, конструктив “Мен-концепция”, фрустрацион толерантлик, назоратнинг интернал локуси) билан боғлиқликда рўй берадиган ижобий ўзгаришлар ёшлар ўртасида дисоциализация кўринишларининг қисқаришига хизмат қилиши далилланган:

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мослашув ва ресоциализациянинг барча босқичларида тарбияланувчилар билан якка тартибда ҳамда гуруҳда ишлаш тамойилларидан иборат Хулқи оғишган болалар учун ихтисослаштирилган муассасалар тарбияланувчиларини ресоциализациялаш дастури ишлаб чиқилган, ундан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хуқуқбузарликларни профилактика қилиш бўлинмалари амалиётида фойдаланилмоқда ва ресоциализациянинг мажмуавий дастурлари ИТМ амалиётига татбиқ этилган, ресоциализациянинг барча босқичларида тарбияланувчиларни якка тартибда кузатиб бориш харитаси ишлаб чиқилган ва жорий этилган;

тадқиқот натижалари - ресоциализациянинг ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган модели республика педагогика олий таълим муассасаларининг 511900 - Педагогика ва психология таълим йўналиши учун яратилган “Хулқи оғишган болалар психологияси” дарслиги мазмунига киритилган. Шунингдек, ёшларнинг ресоциализацияси бўйича ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган модуль «Ўзбекистон уюшмаган ёшларида мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш» номли амалий лойиҳа доирасида тайёрланган “Ўзбекистон уюшмаган ёшларида маънавий онгни шакллантириш” номли услубий қўлланма мазмунига киритилган;

ахлоқий бузилишларни коррекциялаш ва иккиламчи психологик профилактика қилиш, шунингдек, тарбияланувчиларнинг ижтимоий мослашуви ва уларнинг келгусидаги ресоциализацияси учун “ИТМ тарбияланувчиларида ўз жонига қасд қилиш ниятини профилактика қилиш ва

психологик коррекциялаш”, “ИТМ тарбияланувчиларида тажовузкор ахлоқни профилактика қилиш”, “ИТМ тарбияланувчиларида аддиктив ахлоқни профилактика қилиш ва психологик коррекциялаш” муаллифлик ишланмалари РБИММ ва Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий маркази ижтимоий-психологик тадқиқотлар амалиётига татбиқ этилган;

ихтисослаштирилган муассасаларнинг реабилитация маконига ресоциализациялаш таъсирининг самарадорлигини мониторинг қилиш ва десоциализациянинг ўзига хос хусусиятларини ташхис қилиш бўйича услубий таъминот ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги десоциализациянинг ижтимоий-психологик детерминацияси ва ресоциализация жараёнини ўрганишнинг методологик тамойиллари исботлангани; танлов ҳажми ва репрезентативлиги; математик статистика усуллари кўлланиши, маълумотлар сифатли таҳлил қилинган ва компьютерда ишлов берилгани; статистик қиймат ва бошқа тадқиқотлар маълумотлари билан солиштирилгани билан таъминланган. Маълумотларга статистик ишлов бериш SPSS 20.0 ва Minitab дастури ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, ювенал адлия тизимини такомиллаштириш, шунингдек, «Девиянтология», «Хулқи оғишган болалар психологияси» ва «Ривожланиш психологияси» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади ҳамда олинган маълумотлар коррекцион иш самарадорлигини таъминлаш, ижтимоийлашув жараёнининг бузилиши оқибатида ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидагиларда ахлоқий дезадаптацияни эрта профилактика қилиш муаммосига янгича ёндашиш имконини беради, шунингдек, тарбияланувчиларда рецидив ҳуқуқбузарлик психологик таркибий қисмларининг тавсифланган тизим комплекслари ЎЗР Ички ишлар Вазирлигининг вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларининг, узлуксиз таълим тизими психологлари ва ихтисослаштирилган таълим муассаса педагогик жамоаси профилактика фаолиятида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, мослаштириш ва ресоциализациянинг барча босқичларида тарбияланувчилар билан яқка тартибдаги ва гуруҳда ишлаш тамойилларидан иборат ресоциализациянинг мажмуавий дастури ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хулқи оғишган болалар учун ихтисослаштирилган муассасалар тарбияланувчилари ресоциализациясининг педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиш асосида:

махсус муассасаларда тарбияланувчилар ресоциализациясининг дастлабки босқичида ижтимоий мослашуви ва ижтимоий компетентликнинг (когнитив,эмоционал, ахлоқий) ривожланмаганлиги уларнинг тартиббузарлик

ва девиант хулқ-атвориға олиб келувчи сабаблари билан боғлиқ таклифлар Республика болалар ижтимоий мослашув Марказининг 2020 йил 20 июнидаги 01/157-сонли буйруғи билан “Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳга кирадиган болаларнинг психологик реабилитациясини, жумладан, бирламчи ва иккиламчи профилактика фаолиятини такомиллаштириш” методикасига киритилган (Республика болалар ижтимоий мослашув Марказининг 2020 йил 20 июнидаги 01/157-сон маълумотномаси). Бу ўз навбатида вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг дезадаптация даражасини аниқлаш ва ички психологик ресурсларга таяниб, тарбияланувчини ресоциализациялаш ва мослаштиришнинг индивидуал технологиясини ишлаб чиқиш, шунингдек, ёшлар хулқидаги бузилишларни психологик профилактикалаш имконини берадиган (когнитив, шахсий-ҳиссий, хулққа оид) мезонлар тизимини ишлаб чиқишга асос бўлди. Ушбу мезонларнинг инобатга олиниши ва РБИММ ишланмасига киритилиши реабилитация маркази ва унинг филиалларига мурожаат қилган вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан коррекцион фаолиятни манзилли (когнитив, шахсий-эмоционал, мотивацион-ахлоқий соҳаларни заифлашганига кўра) амалга ошириш орқали ресоциализация сифатини таъминлаган;

вояга етмаганлар хулқининг оғишганлик даражасига баҳо бериш ва қайта мослашувнинг индивидуал тиклаш технологиясини танлаш, хулқий бузилишларнинг психологик профилактикасини ишлаб чиқиш имконини берувчи (когнитив, шахсий-эмоционал, ахлоқий) мезонлар асосида яратилга ресоциализация модули Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 12 июлидаги 01-16/249-сон—буйруғига асосан ҳуқуқбузарликни профилактика қилиш бўйича инспекторларнинг амалий фаолияти жараёнига жорий қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябридаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг илмий-услубий асосини ташкил этган. Хусусан, ушбу Қонуннинг (13, 14, 20, 21, 22, 23, 24-моддалари) меъёрларига мувофиқ қонунбузарликни профилактика қилишнинг асосий вазифалари сифатида амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 12 июлдаги 01-16/249-сонли маълумотномаси). Мазкур дастурнинг жорий этилиши натижасида ички ишлар профилактика инспекторлари томонидан бирламчи ва иккиламчи ҳуқуқбузарлик профилактикасининг самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарлик статистикасини қисқартиришга эришилган;

хулқи оғишган ўсмир ва ўспиринларнинг дисоциализациясининг (қадриятли-мазмунли, шахсий-эмоционал ва ахлоқий) омиллари шахс мослашув механизмларини шакллантириш ва ресоциализациясининг асосини ташкил этиши билан боғлиқ таклифлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан нашрга тавсия этилган “Хулқи оғишган болалар психологияси” номли дарслигининг “Девиант ахлоқ интервенцияси” боби мазмунига сингдирилган ва Республика болалар ижтимоий мослашув Марказининг 2020 йил 20 июнидаги 01/157-сон буйруғи билан “Ижтимоий

ҳимояга муҳтож ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳга кирадиган болаларнинг ижтимоий мослашмаганлиги ва хулқи оғишиш даражасини дифференциал психодиагностика ва психокоррекция қилиш” методикаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 августдаги 418-сон буйруғига асосан берилган 1023-068-рақамли гувоҳнома ва Республика болалар ижтимоий мослашуви Марказининг 2020 йил 20 июнидаги 01/157-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши вояга етмаганларда ижтимоий мослашишдаги қийинчиликларни эрта диагностика қилиш ва дифференциал ёндашувни таъминлаб, ҳуқуқбузарликнинг эрта профилактикасини самарали йўлга қўйиш имконини берган. Шу билан бирга, дарсликдаги материаллар “Девиянтология асослари” фани бўйича Давлат таълим стандарти ва малака талаблари мазмунига сингдирилган. Мазкур дарсликнинг қўлланиши натижасида бўлажак амалиётчи психологларда бирламчи ва иккиламчи превенцияни амалга ошириш кўникмаларини шакллантиришнинг илмий-амалий асослари яратилган;

вояга етмаганлар ресоциализация дастурини самарадорлигининг асоси сифатида экзистенциал гуманистик стратегияга асосланган парадигмал ёндашувни амалиётга татбиқ қилинаётган маълумотлар Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2020 йил 20 июнидаги 01/157-сон буйруғи билан ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳга кирадиган болалар билан реабилитация фаолиятининг янги йўналишларини белгилашда (қадриятли-мазмунли, шахсий-эмоционал ва ахлоқий компонентларга асосланган ҳолда) ва муассаса педагог-тарбиячи ходимларида тарбияланувчилар билан ишлаш компетенциясини шакллантириш методикасига киритилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви Марказининг 2020 йил 20 июнидаги 01/157-сон маълумотномаси). Шу билан бирга, “Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳга кирадиган болалар билан реабилитация фаолиятини янги йўналишлари”га оид материаллар асосида “Ривожланиш психологияси. Педагогик психология” дарслиги ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сон буйруғи, 274-295 рақамли гувоҳнома). Натижада, таълим соҳаси учун тайёрланадиган психологларнинг касбий аҳамиятли таянч компетенцияларни шакллантириш ҳамда касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилди. Мазкур таклифлар республиканинг 4 та хулқи оғишган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаси амалиётида қўлланиб, услубий таъминотнинг такомиллаштирилиши, тарбияланувчиларда рецидив ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилган;

феномен сифатида ресоциализация жараёни ва унинг таркибий элементлари (босқич ва механизмлари) “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”нинг асоси эканлигига оид таклифлар “Хулқи оғишган болалар психологияси” дарслик мазмунига киритилган. Шу билан биргаликда, мазкур илмий янгилик Марказининг 2020 йил 1 июндаги 6-сонли буйруғи

билан “Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳга кирадиган болалар билан реабилитация фаолиятининг янги йўналишларини белгилаш (қадриятли-мазмунли, шахсий-эмоционал ва ахлоқий компонентларга асосланган ҳолда)” ва муассаса педагог-тарбиячи ходимларида тарбияланувчилар билан ишлаш компетенциясини шакллантириш методикасига киритилди;

ресоциализациянинг ҳар бир босқичида тарбияланувчилар мослашувида сифат ўзгаришлар механизмлари (хаётий-мазмуний ориентация, қадриятли ориентациялар, эмоционал интеллект, конструктив “Мен-концепция”, фрустрацион толерантлик, назоратнинг интернал локуси) билан боғлиқликда рўй берадиган ижобий ўзгаришлар ёшлар ўртасида дисоциализация кўринишларининг қисқаришига хизмат қилиши билан боғлиқ ҳолда ижобий ўзгаришларга оид таклифлар РБИММнинг 2020 йил 20 июндаги 01/157-сонли буйруғи билан “Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳга кирадиган болаларнинг психологик реабилитациясини, жумладан, бирламчи ва иккиламчи профилактика фаолиятини такомиллаштириш” методикасига киритилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви Марказининг 2020 йил 20 июндаги 01/157-сон маълумотномаси). Мазкур илмий маълумотларнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида экзистенциал гуманистик парадигма нуқтаи назаридан тарбияланувчиларни мослаштириш ва ресоциализациялаш системогенезининг (босқичлари, мазмуни ва механизмлари), «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» тизимли тушунчасини шакллантириш усуллари, шунингдек, тарбияланувчиларни мослаштириш ва ресоциализациялашга таъсир кўрсатадиган психологик ва педагогик шарт-шароитлар характери ҳақида шакллантирилган илмий тасаввурлар, ресоциализациянинг ҳар бир босқичида тарбияланувчиларда ижтимоий мослашувга оид билим ва малакаларни амалиётчи психологларнинг ҳуқуқбузарлик психопрофилактикасига оид касбий компетенцияларини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та республика ва 15 та халқаро форум ҳамда илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 68 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 3 дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 20 та мақола, шундан, 17 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган. Муаллифлик ҳуқуқи объектларини сақлаш учун топширилганлиги тўғрисида 3 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 265 бетни ташкил этади. Фойдаланилган

адабиётлар рўйхати 256 манбадан иборат.. Диссертацияда 23 та жадвал, 4 диаграмма ва 2 та расм келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва тадқиқот усуллари таърифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши кўрсатилган. Бундан ташқари, эълон қилинган ишлар, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Девиант ахлоқ муаммоларининг назарий таҳлили**” деб номланган биринчи бобида ўсмирлар ва ўспиринлар орасида девиант ахлоқ феномени, табиати, механизмлари ва ёшга оид хусусиятлари батафсил баён этилган.

Хулқи оғишганликни детерминантлари сифатида ижтимоий омиллар А.Бандура¹⁵, Гилинский Я.И.¹⁶ В.А.Петровский, Л.Б.Шнейдер, Э.Г.Эйдемиллер, Гриценко А.В, Й..Лангеймер, З.Матейчик, И.С.Ганишина, Л.С.Алексеева, Н.В.Вострокнута, И.Б.Пономарёва и Е.А.Пономарева, С.А.Беличева ишларида кўриб чиқилган .

Хулқи оғишганликни келтириб чиқарувчи омил сифатида характер акцентуацияси ва шахс характер хусусиятлари А.А.Александров; Е.В.Заика, Н.П.Крейдун, А.С.Ячин, А.Е.Личко; А.А.Реан¹⁷, В.Л.Васильев ишларида таҳлил қилинган;

Девиант ахлоққа олиб келувчи ижтимоий омиллар А.Бандура, Дж.Боулби, В.А.Петровский, Л.Б.Шнейдер, Э.Г.Эйдемиллер, А.В.Гриценко, Й.Лангеймер, З.Матейчик, И.С.Ганишина, Л.С.Алексеева, Н.В.Вострокнута, И.Б.Пономарёв ва Е.А.Пономарева, С.А.Беличева кабиларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Оғишган ахлоқнинг шахсни характерологик хусусиятлари ва феъл-атвор акцентуацияси билан шартланганлиги А.А.Александров, Е.В.Заика, Н.П.Крейдун, А.С.Ячин, А.Е.Личко, А.А.Реан(1991), В.Л.Васильев, С.Н.Дубинин С.Н.¹⁸;А.А Самохина;¹⁹, И.И Саламатина;²⁰ В.Н. Савардунова;²¹ Ж.В. Стребкова;²² ишларида таҳлил қилинган.

¹⁵ Бандура А., Уолтерс Р. Подростковая агрессия. Изучение влияния воспитания и семейных отношений. – М.: Апрель Пресс: ЭКСМО-Пресс, 2000. - 509 с

¹⁶ Гилинский Я.И. Девиантология: социология преступности, наркотизма, проституции, самоубийств. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2004. – 520 с

¹⁷ Реан А. А. (2006) Психология адаптации личности. Анализ. Теория. Практика. СПб.: Прайм Еврознак. - 479 с.

¹⁸ Дубинин.С.Н. Психологические детерминанты и механизмы коррекции девиантного поведения личности // Автореф. Дисс. док. психол. наук. Москва 2011г. 17с

¹⁹ Самохина А.А. Психолого-педагогические особенности ресоциализации личности делинквентов средствами спортивной деятельности // Автореф. дисс. канд. психол. наук. - Москва 2002г. 24б

²⁰ Саламатина И.И. Ресоциализация делинквентных групп несовершеннолетних (на материале США и Англии) // Автореф. Дисс. докт. пед. наук. - Москва ,2007. 39б

²¹ Савардунова В.Н. Влияние воспитательной системы на ресоциализацию несовершеннолетних осужденных женского пола в период отбывания наказания в виде лишения свободы // Автореф. Дисс. Канд. Пед. наук. Москва 2000г. 25с

В.Н.Иванченко, А.Г.Асмолов, С.Н.Ениколопов, Х.Ремшмидт, Г.В.Увароваларнинг ишлари мазмуний установкалар ва уларнинг ахлоқий бузилишлари билан ўзаро алоқасини тадқиқ этишга бағишланган. Муаллифлар индивидуал шахсий установкалар – меъёрларнинг инвариантлари, мазкур субмаданият анъаналарини ўзлаштириш, ижтимоий дағи умумқабул қилинган қоидалардан бегоналашиш, ижобий ижтимоий қадриятларни рад этиш ва эркинликка ўсиб ўтган эҳтиёж натижасидир, деган хулосага келган.

Ёшларда девиант кўринишлар ва детерминантни тадқиқ этувчи мавжуд тадқиқотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ихтисослаштирилган муассасалар тарбияланувчиларида ресоциализацияни тизимли тадқиқ қилиш учун мавжуд тажрибани ва асосни шарҳлаш имконини беради. Шунга қарамай, Хулқи оғишган болалар учун ихтисослаштирилган муассасалар тарбияланувчиларида мослашув механизмларини ривожлантириш бўйича лонгитюд тадқиқотлар мавжуд эмас.

Диссертациянинг **“Хулқи оғишган тарбияланувчиларнинг ресоциализацияси моделларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган иккинчи бобида ресоциализация жараёнининг мураккаблиги, методологик хилма-хиллиги муқаррар равишда уни ўрганишнинг методологик асосларини ва уни тадқиқ қилишнинг методологик жиҳатларини аниқ белгилаш масаласини қўйиши таъкидланган.

Биз тарбияланувчиларни ресоциализациялаш жараёнининг психологик-педагогик жиҳатдан тадқиқ этиш ресоциализация феномени бўлганидек, уни белгиловчи ижтимоий-психологик омилларни ҳам яхлит тушунишни назарда тутишини изчил асослаймиз (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тарбияланувчи шахсининг мослашуви ва ресоциализациясини тадқиқ этишнинг асосий таркибий қисмлари ва методологик ёндашувлар

Т.р.	Методологик ёндашувлар	Ижтимоий мослашувнинг асосий таркибий қисмлари
1	<i>Гуманистик ёндашув</i>	Шахсий-марказлашган ёндашув (К.Роджерс)
2	<i>Амалий ёндашув</i>	Шахс фаолиятининг намоён бўлиш параметрлари: - макро ва микромуҳит билан интеграциялашув даражаси (А.Н.Леонтьев); - ички шахсий потенциални амалга ошириш даражаси (А.Н.Жмириков); - эмоционал кайфият (А.Реан).
3	<i>Когнитив-ахловий ёндашув</i>	- инсоний қадриятлар концепцияси (М. Рокич); - қадриятли-маъноли парадигма (М.С. Яницкий ва А.В.Серий).

²² Стребкова Ж.В. Педагогическое стимулирование процесса ресоциализации несовершеннолетних делинквентов (на материале Великобритании) // Автореф. Дисс. Канд. Педа. наук. Москва – 2009. 216



1-расм. ИТМ тарбияланувчиларининг ресоциализацияси даража ва механизмларини тадқиқ этиш схемаси

Ресоциализациянинг **когнитив** даражаси кўриб чиқишда биз қуйидаги муҳим механизмларни мўлжалга олдик: рефлексивлик, қадриятли-меъёрий тизим ва ҳаётий мазмунга йўналганлик. Тадқиқотда тарбияланувчиларнинг шахсий қадриятларининг ўзаро алоқаси, биринчидан, улар ижтимоийлашувининг “ташқи” омиллари – ижтимоий қадриятлар ҳақидаги тасавурлари ва, иккинчидан, ижтимоийлашувнинг “ички” омили – ўзига бўлган муносабатни ўрганишга ҳаракат қилинди. Тадқиқотда қадриятли-мазмуний парадигмадан фойдаланиш (М.С.Янитский ва А.В.Серий) мослашмасликнинг ижтимоий-маданий асосларини аниқлашга имкон берди.

Ресоциализация жараёнининг **эмоционал** даражаси шахсият ва ҳиссий билан ифодаланади, унга конструктив “Мен-концепция”си (ўзини ўзи қабул қилиш ва ўзини ҳурмат қилишда ифодаланувчи) ва эмоционал интеллект каби мослашувнинг муҳим механизмларини ўз ичига олувчи эмоционал интеллект ҳамда шахснинг “Мен-концепция”си акс эттирилган. Тадқиқот дастурлари эмоционал компонентининг иккинчи механизми **эмоционал интеллект** ҳисобланади. Шахсий қадриятлар тизимини шакллантириш билан боғлиқ мазкур “ички” омиллар тарбияланувчиларнинг “Мен-концепция”сининг эмоционал-баҳоловчи таркибий компоненти сифатида тақдим этилган.

Ижтимоий мослашувнинг учинчи даражаси – **ижтимоий даража** ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотчилик моделимиздаги ижтимоий даража қуйидаги: ички назорат локуси ва фрустрацион толерантлик каби механизмлар билан ифодаланади. Д.А.Леонтьев²³ шахсий камолот даражасининг интеграл тавсифномасини шахсий мослашув потенциали, деб ҳисоблайди. Шахсий мослашувчан потенциал – бу шахснинг ўзини шахс сифатида намоён қилиш, ташқи оламда мақсадли йўналтирилган ўзгаришлар бўлувчи ва ташқи шароитлар таъсирига барқарорлик ҳамда ички ва ташқи вазиятлар ўзгаришига

²³ Д.А.Леонтьев. «Личностное в личности: личностный адаптационный потенциал как основа самодетерминации»// ученые записки кафедры общей психологии МГУ им. М.В Ломоносова. Вып.1 под ред. Б.С Братусь, ДА Леонтьева. – М: Смысл, 2012. С.198-204

чуқур реакция қилишни уйғунлаштирувчи субъект томонидан автоном тарзда ўзини ўзи бошқариш фаоллиги бўлиб чиқадиган қобилиятдир. Учинчи даражанинг иккинчи компоненти – ҳаётий қийинчиликларига қарши туриш қобилияти сифатида **фрустрацион толерантлик** бўлади. Диссертация иши доирасида "Хулқи оғишган ўсмирларнинг ўзини ўзи баҳолаш хусусиятлари"²⁴ мавзусида илгари олиб борган тадқиқотимизда ўсмирларда фрустрацион толерантликнинг паст даражаси, детерминация қилинувчи турли ахлоқий бузилишлар аниқланди

Асосий синалувчилар сифатида Кўқон шаҳридаги ихтисослаштирилган саноат коллежи тарбияланувчилари (аёл жинсидаги) – 14-17 ёшдаги 120 нафар иштирокчи ташкил этди. Эркаклар гуруҳини Бахт шаҳридаги ихтисослаштирилган коллеж тарбияланувчилари – 14-17 ёшдаги 120 нафар иштирокчи акс эттирди. Шакллантирувчи тажриба-синовда 120 нафар тарбияланувчи – тажриба гуруҳида (60 нафар қизлар, 60 нафар ўғил болалар) иштирок этди. Синалувчилар ёши – 14-17 ёш.

Тадқиқотда тарбияланувчилар билан ишловчи 35 нафар иштирокчи (Кўқон ва Бахт шаҳарларидаги ИТМ ўқитувчилари, психологлари ва тарбиячилари) эксперт гуруҳи сифатида қатнашди.

Ушбу бобда қуйидагилар қисқача тавсифланган ва асосланган: 1) тарбияланувчиларнинг хулқида оғишиш ва ижтимоий мослашувни ўрганиш усуллари ва методикаси; 2) тарбияланувчилар ижтимоий мослашувининг ижтимоий-психологик детерминантларини ўрганишнинг услубий воситалари; 3) синалувчилар гуруҳи.

“ИТМ тарбияланувчилари ресоциализация жараёнининг психологик хусусиятлари ва муваффақиятини эмпирик ўрганиш” деб номланган учинчи бобда тарбияланувчилар ижтимоий мослашувининг когнитив, эмоционал ва ахлоқий компонентларини ва ресоциализация механизмларини ўрганиш натижалари ёритилади.

Тарбияланувчиларнинг ижтимоий-психологик мослашуви (ИПМ) даражасини аниқлаш учун К.Рожерс ва Р.Даймонднинг сўровномаси, А.М.Прихожаннинг девиант ахлоққа мойилликни ташҳис қилиш методикаси ва педагоглар учун сўровнома қўлланди. Натижа берувчи 14 та кўрсаткичр олинди, айнан эса:

1) хулқи оғишишга мойиллик; 2) ижтимоий-психологик мослашувнинг интеграл кўрсаткичлари; 3) коэффициентлар билан ифодаланган (жадвалга оид ва хронологик ёш нисбати сифатида ҳисобланади): "мустақиллик", "ўзига ишонч", "ўз мажбуриятларига муносабат", "мулоқотни ривожлантириш", "ташкilotчилик", "ижтимоий ҳаётга қизиқиш" шкалалари бўйича кўрсаткичларнинг ижтимоий компетентлилик коэффициенти; 4) ижтимоий-психологик мослашувнинг эксперт баҳоси – балларда умумлаштирилган ўртача кўрсаткич.

Бунда тажриба гуруҳни ижтимоий мослашишда қийинчиликларни ҳис қилувчи ва интизомни бузувчи тарбияланувчилар ташкил этди. Назорат

²⁴Камилова Н.Г. Особенности самооценки подростков с девиантным поведением. // Автореф.дисс на соискание ученой степени кандидата психологических наук. – Ташкент, 2000.

гуруҳини педагогларнинг баҳосига кўра, муассасада реабилитация жараёнларидан муваффақиятли ўтиб келаётган ҳамда ўқув ва тарбиявий фаолиятда омадли, деб тавсифланувчи, шунингдек, ижтимоий эпчиллик ҳамда фаоллик билан ажралиб турувчи тарбияланувчилар ташкил этди.

Тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тарбияланувчиларнинг ижтимоий мослашув бўйича статистик аҳамиятли тафовутлар кўрсаткичлари

Шахс сифати	Қизлар			Ўғил болалар		
	Назорат гуруҳи ўртача қиймат	Тажриба гуруҳи ўртача қиймат	T	Назорат гуруҳи ўртача қиймат	Тажриба гуруҳи ўртача қиймат	T
Мослашувчанлик	138,0	116,6	12,37***	135,0	119,5	8,74***
Деадаптивлик	76,3	88,7	7,35***	73,3	93,8	11,56***
Ўзини қабул қилиш	45,7	41,9	2,89*	42,8	44,96	1,89
Ўзини қабул қилмаслик	12,9	20,3	6,53**	12,9	23,1	238,5**
Бошқаларни қабул қилиш	25,5	20,4	4,15**	23,95	21,1	1,89
Эмоционал қулайлик	26,1	20,9	4,21*	24,5	21,0	2,99*
Ички назорат	50,1	44,7	4,68*	51,8	45,3	4,99**
Ташқи назорат	19,3	23,1	2,99*	19,2	25,9	5,23**
Эргашувчанлик	15,9	17,2	1,39	15,4	18,3	2,92*
Эскапизм	15,8	16,1	1,45	14,95	18,0	2,99*
Ижтимоий исталган жавобларга установа	52,9	55,4	2,98*	51,8	55,0	3,01*
Меъёр ва қоидаларни енгиб ўтишга мойиллик	52,0	55,1	2,59	52,3	55,4	2,59
Аддиктив ахлоққа мойиллик	45,9	53,6	5,69**	45,8	53,2	5,12**
Ўз-ўзига зарар етказувчи ва ўз-ўзини парчаловчи ахлоққа мойиллик	47,4	54,2	5,59**	46,4	59,0	11,93***
Тажовузкорлик ва зўравонликка мойиллик	44,7	56,2	9,12***	44,8	59,0	13,28***
Эмоционал реакцияларни иродавий назорат қилиш	50,4	53,9	2,89*	52	58,8	4,58**
Делинквент ахлоққа мойиллик	45,3	52,3	5,8**	44,7	57,6	11,51***

* - аҳамиятлилилик даражаси $p < 0,05$; ** - аҳамиятлилилик даражаси $p < 0,01$

